


NE 1.1

Нейтрализация қурилмаси



Мундарижа

1	Белгиларни тушунтириш ва хавфсизлик қоидалари	2
1.1	Белгиларни тушунтириш	2
1.2	Умумий хавфсизлик қоидалари	2
2	Маҳсулот ҳақида маълумот	3
2.1	Фойдаланиш мақсади	3
2.2	Мувофиқлик декларацияси	3
2.3	Етказиб бериш	3
3	Техник маълумотлар	4
4	Ўрнатиш	5
4.1	Нейтраллаш тизимини созлаш	5
4.2	Нейтраллаш қурилмасини улаш	5
5	Электр алоқаси	6
6	Ишга тушириш	6
6.1	Нейтралловчи суюқлик қуйинг	6
6.2	Функцияни текширинг	7
7	Техник хизмат	7
7.1	Текширишни бажариш	7
7.2	Техник хизмат кўрсатишни бажариш	8
7.3	Ўчириб ёқишни бажаринг	8
8	Носозликлар	9
9	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва утилизация	9

1 Белгиларни тушунтириш ва хавфсизлик қоидалари

1.1 Белгиларни тушунтириш

Огоҳлантиришлар

Хавфни бартараф этишда огоҳлантириш белгилари ва калит сўзларига амал қилинмаган ҳолатларда, жиддий оқибатлар келиб чиқиши мумкин

Ушбу ҳужжат орқали қуйидаги калит сўзлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш мумкин:



XAVFLI

XAVF жиддий, инсон ҳаёти учун хавф туғдирувчи шикастланишлар бўлишини англатади.



ENTIYOT

ОГОҲЛАНТИРИШ жиддий, инсон ҳаёти учун хавф туғдирувчи шикастланишлар бўлиш эҳтимоли борлигини англатади.



DIKKAT

ДИҚҚАТ белгиси майда ва ўрта даражада шикастланишлар бўлиши мумкинлигини англатади.

XAVARNOMA

ЭСЛАТМА мулкка зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларни англатади.

Муҳим маълумотлар



Муҳим маълумотлар инсонларга ёки мулкларга хавф туғдирмасдан кўрсатиладиган маълумот белгилари билан таништилади.

Давомли белгилар

Рамз	Моҳияти
►	Ҳаракат йўналиши
→	Ҳужжатдаги бошқа жойга ҳавола кўрсатиш
•	Санок/Рўйхат
–	Санок/Рўйхат (2. Даражаси)

Jadval 1

1.2 Умумий хавфсизлик қоидалари

⚠ Махсус гуруҳ учун маслаҳатлар

Ушбу ўрнатиш қўлланмаси газ ва сув қурилмалари, иситиш ва электротехника бўйича мутахассисларга мўлжалланган. Қўлланмада кўрсатилган барча кўрсатмаларга амал қилиш зарур. Кўрсатмаларга тўлиқ амал қилмаслик мол-мулкка зарар етказиши, жароҳатланишга ёки ўлим ҳолатларига ҳам олиб келиши мумкин.

- Ўрнатишдан олдин ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва ишга тушириш бўйича йўриқномаларни (иссиқлик генератори, иситишни бошқариш мосламаси, насослар ва бошқ.) ўқиб чиқинг.
- Хавфсизлик ва огоҳлантириш кўрсатмаларига риоя қилинг.
- Миллий ва минтақавий меъёрий ҳужжатлар, техник қоидалар ва кўрсатмаларга амал қилинг.
- Ҳужжат ишлари бажарилди.

⚠ Техник хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик жиддий жароҳатланиш, шу жумладан, ўлимга сабаб бўлиши ва мулк ҳамда атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин.

- ▶ Тизим ваколатли орган томонидан тасдиқланганлигига ишонч ҳосил қилинг.
- ▶ Камида йилига бир марта тозаланг ва техник хизмат кўрсатинг. Тизимнинг тўғри ишлаётганлигини текширинг. Аниқланган нуқсонларни зудлик билан ҳал қилинг.
- ▶ Тизим операторига нуқсон ва хавф ҳақида ёзма хабар беринг.
- ▶ Тизимни ишга туширишдан олдин техника хавфсизлиги бўйича қўлламани диққат билан ўқиб чиқинг.
- ▶ Конденсацион қозонни ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатмаларга амал қилинг.
- ▶ Нейтраллаш қурилмаси ишлаб чиқарувчисининг техника хавфсизлиги кўрсатмаларига амал қилинг.

⚠ Фавқулодда ҳолатлар, масалан, ёнғинда хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик сабабли хавф

- ▶ Ҳеч қачон ўз ҳаётингизни хавф остига қўйманг. Ўз хавфсизлигингизни биринчи ўринга қўйинг.

⚠ Ишлатишдаги хатолар сабабли зарарлар

Ишлатишдаги хатолар шахсий жароҳатланиш ва/ёки мулкка зиён етишга сабаб бўлиши мумкин.

- ▶ Қурилмани фақат бошқара оладиган одамлар ишлатишига ишонч ҳосил қилинг.
- ▶ Ўрнатиш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари ихтисослашган компания томонидан амалга оширилиши керак.

⚠ Уйда фойдаланиладиган электр жиҳозлари ва шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланиладиган жиҳозларнинг хавфсизлиги

Электр жиҳозларидан келиб чиқадиган хавф-хатарлардан холи бўлиш учун EN 60335-1 қуйидаги талаблар амалга оширилади:

«Қурилманинг ишлатилиши хавфсиз ҳолда бўлганда, ёки қурилмадан фойдаланиш кўрсатмалари аниқ тушунтирилган ҳолларда ушбу қурилмадан 8 ёшдан катта болалар ва руҳий, ақлий ёки ҳис қилиш қобилияти паст бўлган, ёки тажрибасиз ва билими етишмайдиган кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин. Болалар қурилмани ўйнашлари мумкин эмас. Тозалаш ва таъмирлаш кузатувсиз ҳолдаги болалар томонидан амалга оширилмаслиги керак.»

«Агар зарядлаш кабеллари зарарланган бўлса, у ишлаб чиқарувчи, мижозга хизмат кўрсатувчи ёки шу каби малакали шахс томонидан алмаштирилиши керак.»

⚠ Созлаш

- ▶ Қурилмани созлаш фақат лицензияга эга мутахассислар томонидан бажарилиши керак.

⚠ Чиқинди газлари билан заҳарланиш ҳаёт учун хавфли

Чиқинди газлар чиқиши ҳаёт учун хавф туғдиради.

- ▶ Газ қувурлари ва муҳрларининг зарар кўрмаганлигига ишонч ҳосил қилинг.

⚠ Электр токи уриши хавфи

- ▶ Электр уланишларини фақат малакали мутахассис амалга оширилиши керак. Уланиш режасига амал қилинг.
- ▶ Ўрнатишдан олдин: барча қутбларни қувват манбасидан узинг. Тўсатдан ишга тушишга қарши чораларни кўринг.
- ▶ Барча қурилмалар ва аксессуарлар учун уланиш схемаларига амал қилинг.

⚠ Текширув ва техник хизмат

- ▶ **Мижоз учун тавсия:** техник хизмат кўрсатиш ва йиллик кўрик ва заруратга кўра техник хизмат учун тасдиқланган ихтисослашган иссиқлик корхонаси билан шартнома имзоланг.

⚠ Оригинал эҳтиёт қисмлари

Ишлаб чиқарувчи ўзи тақдим этмаган эҳтиёт қисмлари сабабли келиб чиқадиган зарарларга жавобгар бўлмайди.

- ▶ Фақат оригинал эҳтиёт қисмлари ва аксессуарлардан фойдаланинг.

⚠ Каттиқ совуқ туфайли ўсимликлар зарарланиши мумкин

- ▶ Музлаб қолиш хавфи бўлганда қозон, бак, қувурлар ва иситиш тизимининг барча сув оқиб ўтувчи элементларидан сувни тўкинг. Агар бутун тизим қуруқ бўлса, музлаб қолиш хавфи бўлади.

Фойдаланувчи учун кўрсатмалар

- ▶ Фойдаланувчига қурилма қандай ишлаши ва уни қандай бошқариш ҳақида хабар беринг.
- ▶ Фойдаланувчига у ҳеч қандай ўзгариш қилмаслиги ва таъмирламаслиги зарурлигини тушунтиринг.
- ▶ Фойдаланувчиларга катталар қарамоғисиз болаларнинг иссиқлик қозони яқинида бўлмаслигини тушунтиринг.
- ▶ Техник ҳужжатлар фойдаланувчига берилган.

2 Маҳсулот ҳақида маълумот

2.1 Фойдаланиш мақсади

Нейтраллаш қурилмаси фақат газ конденсацион қозонлардаги конденсатни нейтраллаш учун ишлатилади.

Нейтраллаш қурилмаси ёрдамида конденсат сувни умумий оқава тизимига оқизишга имкон берувчи рН даражага етиш имкони бўлади.

Тахминан 870 кВт номинал қувватгача конденсацияланган сувни нейтраллаш мумкин.

Конденсатни умумий оқава тизимига оқизиш бўйича маҳаллий қоидаларга амал қилиш зарур. Агар конденсацияланган сувни нейтраллаш керак бўлса, рН қийматини кўпроқ даражада ишқорли бўлиши мумкин бўлган зарарсиз диапазонгача кўтариш зарур.

2.2 Мувофиқлик декларацияси

EAC Ушбу маҳсулот дизайн ва ишлаш хусусиятларига кўра Европа Божхона иттифоқининг етакчи тартиб-таомилларига жавоб беради.


EAC белгиси маҳсулотнинг амалдаги ушбу белги ваколатини қамраб олувчи Европа Иттифоқи қонунларига мувофиқлигини эълон қилади.

Мувофиқлик декларациясининг тўлиқ матни интернетда мавжуд: www.bosch-thermotechnology.com.

2.3 Етказиб бериш

- Нейтрализация қурилмаси
- Винт уланиши билан қуйиш шланги
- Контроллерга улаш кабеллари, вилкалари
- Нейтралловчи восита: Гиалит-МГ гранулалари

3 Техник маълумотлар



Rasm 1 Тузилиши ва ўлчамлари

- [1] Улаш штекери ва бошқарув блокига улашг кабели
- [2] Нейтрализация қурилмаси 605 x 405 x 230 мм
- [3] контейнернинг кичкина қопқоғи (насос камераси учун)
- [4] контейнернинг катта қопқоғи (гранулят камераси ва йиғиш камераси учун)
- [5] Резьбали улагич ва ясси зичлагичли қуйиш шланги
- [6] Оқава сус шланги (тўппамга кирмайди)
- [7] Ҳимоя қалпоқчаси
- [8] Разъём штекери қопқоғи

Уланмалар		Вазни
Кириш уланиши	Оқава сув трубкачаси	(ишчи)
R 3/4	R 3/4	33 кг

Jadval 2 Улашлар ва оғирлиги

4 Ўрнатиш



DIKKAT

Нотўғри фойдаланиш сабабли нейтраллаш қурилмасининг шикастланиши!

- ▶ Корпус юзасидан зинапоя мақсадида фойдаланманг.
- ▶ Улаш резьбасини узмаслик учун шлангларни тўлдириб юборманг.



DIKKAT

Коррозия туфайли тизимнинг шикастланиши!


- ▶ Конденсатли трубопроводлар ва жойлардаги улагичлар пластик ёки зангламайдиган пўлатдан тайёрланиши керак (масалан, мўридан қозонга ёки қурилмадан нейтрализация қурилмасига).

4.1 Нейтраллаш тизимини созлаш



Нейтрализация қурилмасини шундай ўрнатиш ки, киритиш ва чиқариш шлангларида ҳаво пуфакчалари қолмасин, қозонда эса конденсат тўпланмасин.

- ▶ Нейтрализация қурилмасини қозон яқинида горизонтал ҳолда ўрнатиш.




Рasm 2 Нейтраллаш тизимини созлаш

- [1] Сифон
- [2] Оқава шланги
- [3] Ҳаво олиш шланги
- [4] Газ конденсатли қозон

A Максимал баландлиги 2000 мм

Нейтрализация қурилмаси айрим қозонларга ички ўрнатилиши мумкин.



Рasm 3 ички ўрнатиш Нейтрализация қурилмаси


4.2 Нейтраллаш қурилмасини улаш

- ▶ Резервуарнинг катта қопқоғини олинг (→ Рисунок 1, [4]).
- ▶ Қуйиш шлангини конденсат қозонининг чиқишига уланг.



Агар қозондан конденсат чиқишида сифон бўлмаса:

- ▶ Қуйиш шлангини сифон каби, бироқ бурмасдан ётқизинг (→ Қозонни ўрнатиш бўйича кўрсатмалар)
- ▶ Қуйиш шлангини [4] нейтрализация қурилмаси конденсат киришига кийгазинг.
- ▶ Оқава сув шлангини [1] нейтрализация қурилмаси конденсат чиқишига уланг.



Рasm 4 Монтаж шланглари

- [1] Оқава шланги
- [2] DN 19 шланги учун насадка накидка гайка G 1 билан биргаликда
- [3] Текис зичлагич
- [4] Ҳаво олиш шланги

- ▶ Ҳар иккала шлангни хомутлар билан қотиринг.



Исталган вақтда нейтрализация қурилмасининг ишлашини текшириш мумкин бўлиши учун оқава сув шлангининг учи яхши кўриниб туриши керак.


5 Электр алоқаси



XAVFLI

Электр токи ҳаёт учун ҳафли!

- Фақат тегишли малакаларга эга бўлсангизгина электр ишларини бажаринг.
- Қурилмани очишдан олдин тармоқ кабелининг барча қутбларини тоқдан узинг ва тасодифан ишга тушишга қарши чораларни кўринг.
- Ўрнатиш кўрсатмаларига амал қилинг.
- Нейтрализация қурилмасидаги улаш кабелини қотиринг.
- Улаш кабелини алоҳида электр схемасига кўра контроллерга уланг.
- Разъём штекерини копқоққа бириктиринг.



Рasm 5 Разъём штекерини қотиринг

- [1] Улаш вилкаси
- [2] Разъём штекери қопқоғи
- [3] Улаш розеткаси



Биз ҳимоя занжирининг иккита контактини улашни ҳам тавсия қиламиз. Бу нейтрализация қурилмаси ортиқча тўлиш хавфини солган ҳолларда горелкани ўчиришга имкон беради

6 Ишга тушириш



ЕНТИҲОТ

Чиқинди газлар сабабли ҳаёт учун хавф!

Агар нейтраллаш қурилмаси тўлиб қолмаса, чиқинди газлар қозон сифонидан чиқиши мумкин.

- Чиқинди газлар сизиб чиқишининг олдини олиш учун: Ишга туширишдан олдин чиқинди газлар коллектори назорат туйнугига тахминан 10 литр сув қуйинг.


6.1 Нейтралловчи суюқлик қуйинг



ДИККАТ

Нейтралловчи воситага теккан ҳолларда жароҳатланиш хавфи мавжуд!

- Нейтраллаш қурилмаси ишлаб чиқарувчисининг техника хавфсизлиги кўрсатмаларига амал қилинг.
- Чанглار ҳосил бўлишининг олдини олиш учун нейтралловчи воситани эҳтиётлик билан қуйинг.
- Кўзларга теккан ҳолларда: дарҳол сув билан ювиб ташланг.
- Нейтралловчи воситани эҳтиётлик билан гранулят учун камерага эҳтиётлик билан қуйинг (ҳажми тахминан 7 литр = 9 кг).



Рasm 6 Нейтралловчи суюқлик қуйинг


- [1] Насос камераси
- [2] Коллектор камераси
- [3] Гранулят камерасидаги нейтралловчи восита

6.2 Функцияни текширинг

Функционал баёни

Ишлаш вақтида йиғиш камерасидани сув даражаси доимо иккита босим релесидан баландда бўлади. Сув босими даражаси босим релесини ҳаракатга келтиради.

- Паст босим релеси [5] насосни ёқади ва ўчиради.
- Сақлагич зандири ёқилганида: Юқори босим релеси [1] сув даражаси хаддат ташқари баланд бўлганида (тошиб кетиш хавфи) сақлагич занжирини узиб қўяди.



Рasm 7 Функционал тестни бажаринг

- [1] юқори босим релеси
- [2] аварий ўчириб қўйиш учун сув даражаси (тахм.)
- [3] насосни ёқиш даражаси (тахм.)
- [4] насосни ўчириш даражаси (тахм.)
- [5] қуйи босим релеси

Насос ва қуйи босим релесининг ишлашини текшириш

- Йиғиш камерасига нейтраллизатор қурилмаси насоси ёнмағунича сув қўйинг.
- Сув даражасининг насоснинг ишлаши натижасида пасайишига ишонч ҳосил қилинг.
- Насоснинг юқори босим релеси ишлашдан тўхтағунича ўчишига ишонч ҳосил қилинг (сув даражаси доимо баландроқ бўлади).

Юқори босим релесининг ишлашини текшириш

- Кўпроқ сув қўйинг. Насос ишга тушмаслиги учун қуйи босим релесининг ўлчаш тирқишини бармоғингиз билан ёпинг.
- Сақлагич занжирининг узилиши ва горелканинг ўчишига ишонч ҳосил қилинг.
- Қуйи босим релеси ўлчаш тирқишини бўшатинг.
- Насоснинг ёнишига ишонч ҳосил қилинг.
- Сақлагич занжирининг ёпилишига ишонч ҳосил қилинг. Нейтраллаш занжирини ишлайди.

Носозлик юз берган ҳолларда

- Шикастланган компонентни алмаштиринг.

7 Техник хизмат



ДИККАТ

Нейтралловчи воситага теккан ҳолларда жароҳатланиш хавфи мавжуд!


- Нейтраллаш қурилмаси ишлаб чиқарувчисининг техника хавфсизлиги кўрсатмаларига амал қилинг.
- Чанглар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун нейтралловчи воситани эҳтиётлик билан қўйинг.
- Кўзларга теккан ҳолларда: дарҳол сув билан ювиб ташланг.



Нейтраллаш қурилмасини камида йилига бир марта текшириш ва керагича техник хизмат кўрсатиш зарур.

7.1 Текширишни бажариш

- pH ни текширинг. Бунинг учун pH-индикатори таёқчасини оқава сув шлангидан оқиб чиқувчи конденсат билан намлантиринг.
- Агар pH 6,5 дан паст бўлса: техник хизмат кўрсатишни амалга оширинг ва гранулаларни янгиланг.
- Иситиш тизимини тоқдан узинг.
- Нейтрализация қурилмаси улаш штекерини узинг (Расм 9, [3]).
- Контейнернинг ҳар иккала қопқоғини олинг.
- Гранулаларни текширинг.
 - Агар гранулалар ифлосланган ёки ёпишиб қолган бўлса: техник хизмат кўрсатишни амалга оширинг ва гранулаларни янгиланг.
 - Агар гранулалар етарли бўлмаса: гранулалар қўшинг.
- Насос камерасида [1] оқиб кетишлар йўқлигини текширинг.



Рasm 8 Текширишни бажариш

- [1] Насос камераси
 - [2] Гранулалар
- Насос камерасини ёпинг.
 - Разъём штекерини яна қўтиринг.
 - Функцияни текшириш (→ Боб 8, саҳифа 7)


7.2 Техник хизмат кўрсатишни бажариш

Техник хизмат кўрсатиш зарурат бўлиши билан контейнерни тозалаш ва гранулаларни алмаштиришни ёқади.



Нейтралловчи восита экологик зарарсиз. Сиз фойдаланилмаган материал ва қолдиқларни қўшимча чекланишларсиз маиший чиқиндилар билан биргаликда чиқитга чиқаришингиз мумкин.

- ▶ Иситиш тизимини тоқдан узинг.
- ▶ Нейтрализация қурилмаси [3] улаш штекерини узинг.
- ▶ Ҳар иккала [1] ва [2] шлангни контейнердан олинг.



Рasm 9 Техник хизмат кўрсатишни бажариш

- [1] Оқава шланги
- [2] Ҳаво олиш шланги
- [3] Улаш вилкаси

- ▶ Резервуарнинг катта қопқоғини олинг (Расм 1, [4]).
- ▶ Грануляцион камерадан гранулаларни олиб ташланг. Бунинг учун идишни 180° га тўнтариш керак.
- ▶ Контейнерни тозаланг (водопровод сувида чайинг).
- ▶ Яна нейтрализация тизимини ишга тушинг (→ Боб 9, саҳифа 8)


7.3 Ўчириб ёқишни бажаринг



ДИККАТ

Нейтралловчи воситага теккан ҳолларда жароҳатланиш хавфи мавжуд!

- ▶ Нейтраллаш қурилмаси ишлаб чиқарувчисининг техника хавфсизлиги кўрсатмаларига амал қилинг.
- ▶ Чанглар ҳосил бўлишининг олдини олиш учун нейтралловчи воситани эҳтиётлик билан қуйинг.
- ▶ Кузларга теккан ҳолларда: дарҳол сув билан ювиб ташланг.
- ▶ Нейтралловчи воситани эҳтиётлик билан гранулят учун камерага эҳтиётлик билан қуйинг (ҳажми тахминан 7 литр = 9 кг).
- ▶ Ҳар иккала шлангни контейнерга ўрнатинг.
- ▶ Контейнер қопқоғини жойлаштиринг ва қотиринг.
- ▶ Резьбали уланишни текширинг ва уланишнинг герметиклигини текширинг.
- ▶ Бириктириш вилкасини (расм 9, [3]) нейтрализация қурилмасига қотиринг.
- ▶ Функцияни текшириш (→ Боб 6.2, саҳифа 7)



Рasm 10 Нейтралловчи суюқлик қуйинг

- [1] Насос камераси
- [2] Коллектор камераси
- [3] Гранулят камерасидаги нейтралловчи восита

8 Носозликлар

Носозлик	Эҳтимолий сабаб	Носозликни ҳал қилиш
Конденсат нейтраллаш тизимидан ҳайдалмаяпти.	Электр токи йўқ.	► Таъминот манбасини текширинг.
	Қуйи босим датчиги носоз.	► Контейнер қопқоғини тўлиқ олинг.
	Насос носоз.	► Насос ва босим релесининг ишлашини текшириш ва зарур ҳолларда алмаштиринг (→ 6.2, саҳифа 7)
Нейтрализация қурилмаси сақлаш занжирини узмасдан тўлиб кетаяпти.	Юқори босим датчиги носоз.	► Нейтраллаш тизимини қайтадан ишга туширинг (→ 7.3, саҳифа 8)
	Сақлагич занжири уланмаган.	► Сақлагич занжирини уланг.

Jadval 3 Носозликлар

9 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва утилизация

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Bosch компаниясининг корпоратив тамойилидир.

Маҳсулот сифати, иқтисодий самардорлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бизнинг тенг даражали мақсадларимиздир. Экологик қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилинади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида, биз иқтисодий жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда энг яхши технологиялар ва материаллардан фойдаланамиз.

Қадоқлаш

Қадоқлаш пайтида, биз мамлакатдаги муайян қайта ишлашни таъминлайдиган тизимга амал қиламиз.

Ишлатиладиган барча қадоқ материаллари экологик жиҳатдан тоза ва қайта ишланиши мумкин.

Эски қурилмалар

Эски қурилмалар эҳтиёж туғилганда қайта ишланиши мумкин..

Ўрнатиш (ассамблея)лар осон ажратилади. Пластмассалар этикет қилинади. Шу усулда турли хил ўрнатишларни тартиблаш, қайта ишлаш ёки фаолиятдан чиқариш мумкин.

Электр ва электрон қурилмаларни утилизация қилиш

Бу белги қурилмани бошқа чиқиндилар билан бирга ташланмаслиги, ишлов бериш, тўплаш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш учун чиқиндиларни тўплаш нуқтасига топширилиши керак.

Бу белги "Электр ва электрон қурилмаларни утилизация қилиш бўйича 2012/19/EG Европа директиваси" каби электрон қурилмаларни утилизация қилиш қоидаларига амал қиладиган мамлакатларга тегишли. Бу қоидалар маълум мамлакатларда ишлатилган қурилмаларни қайтариш ва қайта ишлов бериш бўйича асосий қоидаларни белгилаб беради.

Электрон қурилмаларда хавфли моддалар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, атроф-муҳит ва инсон саломатлигига потенциал зарарларни камайтириш учун уларни алоҳида утилизация қилиш керак. Электрон чиқиндиларга қайта ишлов бериш табиий ресурсларнинг тежалишига ёрдам беради.

Эски электр ва электрон қурилмаларни экологик хавфсиз утилизация қилиш ҳақида қўшимча маълумот олиш учун маҳаллий идоралар, чиқиндиларни утилизация қилиш корхонаси или қурилмани харид қилган дилер билан боғланинг.

Бошқа маълумотларни бу ердан олишингиз мумкин:
www.weee.bosch-thermotechnologies.com/







Original Quality by
Bosch Thermotechnik GmbH
Sophienstrasse 30-32
35576 Wetzlar | GERMANY